

## Шахсий Қаровчилар учун Ортиқча иш вақти тўғрисида маълумотлар варақаси

Ушбу ахборот варақаси шахсий қаровчиларга иш ҳафтаси чекловлари ва иш вақтидан ташқари вақт бўйича қоидаларни тушунишга ёрдам бериш учун мўлжалланган. Қўшимча маълумотлар учун мижоз иши бўйича масъул бошқарувчи билан боғланинг ёки [www.dshs.wa.gov/altsa/IPOT](http://www.dshs.wa.gov/altsa/IPOT) га кирилинг.

### ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ ИШ ВАҚТИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

#### 1. 'Иш ҳафтаси' нима дегани?

Иш ҳафтаси якшанба кўни соат 12:00 (ярим тун)да бошланиб келаси шанба соат 11:59 тугайди.

#### 2. Иш ҳафтаси чеклови (ИХЧ) нима дегани?

ИХЧ – иш ҳафтасида сиз ишлашингиз мумкин бўлган жами соатлар сони. 2016 йилда қабул қилинган Вашингтон штати қонуни шахсий қаровчиларнинг (ШҚ) иш ҳафтасида ишлаши мумкин бўлган соатлар сони бўйича чеклов ўрнатди Барча ШҚларнинг иш ҳафтаси чеклови (ИХЧ) бор Сиз фақат сизнинг ИХЧгизда белгиланган соатлар миқдори қадар ишлашингиз мумкин, агар бу соатлар сиз учун бир ёки ундан ортиқ мижозлар томонидан белгиланган ва сизнинг қаровингиздаги мижоз бу соатларга ҳаққи бўлса. Мижоз сизга уларнинг қаров режасидаги баҳоланган ойлик соатлардан ортиғини ажрата олмайди. ИХЧ эҳтиёжи борларнинг барчасига хизматлар учун ажратилган маблағларнинг таъминлаш учун иш вақтидан ташқари иш вақти харажатларини назорат қилишга ёрдам беради.

#### 3. Қандай қилиб ИХСБ (Ижтимоий ҳимоя ва соғлиқ бошқармаси) менинг домий ИХЧни белгилайди ва уни қандай қилиб аниқлашим мумкин?

2016 йил апрелда штат қонуни қабул қилинди Бу қонун 2016 йил январида ҳафтада ўртача 40 соатдан ортиқ ишлаганлардан ташқари барча ШҚлар учун 40 соатлик ИХЧни ўрнатди. 40 соатдан зиёд ИХЧлар ШҚларнинг 2016 йил январ учун тўланган иш соатларини 4,33 га бўлиб уни энг яқин чоракка яхлитлаш билан белгиланди 2016 йил май ойида ИХСБ 2016 йил январда ишлаган ШҚларга уларнинг ИХЧлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган билдиргиларни жўнатган Доимий ИХЧ 65 соатдан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди ШҚ сифатида ишни 2016 йил январидан кейин бошлаган бўлсангиз, сизнинг ИХЧ 40 соатни ташкил қилади.

#### 4. Доимий ИХЧ нотўғри белгиланган деб ҳисобласам, нима қилишим мумкин?

Доимий ИХЧингиз нотўғри белгиланган деб ҳисобласангиз, мижоз иши бўйича бошқарувчига ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин, ва ИХСБ сизнинг соатларингизни Вашингтон Маъмурий Коды 388-114-0050 бўйича кўриб чиқади.

#### 5. Менинг доимий ИХЧ ўзгарадими?

Доимий ИХЧгиз 60,25 ва 65 соат орасида бўлса 2017 йил 1 июлдан бошлаб у қисқариб 60 соатга етади, агар унганча қонунда ўзгариш юз бермаса. Бошқа ҳолларда тегишли малакали ШҚ бўлиб қоларкансиз сизнинг домий ИХЧ ўзгармайди. ИХЧгиз иш фаолиятингизда танаффус қилиб келажакда кейин яна ШҚ сифатида ишни давом эттирсангиз ҳам ўзгармасдан қолади

#### 6. Менинг ИХЧдаги иш вақтига қайдай хизматлар киради?

- Шахсан қаров
- Ўрнига алмашиб амалга ошириладиган қаров
- Кўникмаларга ўргатиш
- Ўрнига ишлаб амалга ошириладиган вақтинчалик қаров

#### 7. ИХЧга йўл харажатлари, ИХСБ талаб қиладиган ўқув курслари ёки тўланадиган отгуллар кирадими?

Йўқ. Йўл харажатлари, ИХСБ талаб қиладиган касбий ўқув курслари ёки тўланадиган отгуллар ИХЧгизга кирмайди. Бу мижозга белгиланган керакли вазифаларни бажариб, ҳаттоки малака ошириш курслари ва тўланадиган отгуллар оладиган ҳафталарда ҳам ишлаш мумкинлигингизни англатади.

## Шахсий Қаровчилар учун Ортиқча иш вақти тўғрисида маълумотлар варақаси

### ИШ ВАҚТИДАН ТАШҚАРИ (ҚЎШИМЧА) ИШ ВАҚТИ ТЎЛОВИ

#### 8. Иш вақтидан ташқари (қўшимча) иш вақтим қандай тўланади?

Иш ҳафтаси давомида 40 соатгача ишлаган барча соатлар учун стандарт иш ҳақи тўланади 40 соатдан зиёд соатлар учун стандарт иш ҳақининг 1,5 баробари тўланади  
IPOне тўлов тизими стандарт ҳақ тўлаш ҳисобида (“тўлиқ ҳисоб” деб аталади) сиз ҳафта давомида ишлаган барча соатларни тўлайди Тизим қўшимча иш вақтини шу вақтнинг ½ баробарида кўрсатади Буларнинг йиғиндиси жами иш ҳақи бўлади.

*Мисол:*

*Иш ҳафтасида 45 соат ишлагансиз ва иш ҳақингиз 12 дол./с ҳисобида*

*Сизнинг иш ҳақингиз:*

*45 соат x 12 дол./с (тўлиқ ҳисоб) = 540 дол.*

*+ 5 қўшимча соат x 6 дол./с (ярим ҳисоб) = 30 дол.*

*Жами 540 дол. + 30 дол. = 570 дол.*

Қўшимча вақт Жами тўлов тавсифида кўрсатилган ва Иш ҳақи бўлимида бўлиб берилган Бу мисолда, иш ҳақи бўлимида 45 шахсан қаров соати ва 5 қўшимча соат келтирилган.

#### 9. Йўл сафари вақти, ИҲСБ талаб қиладиган ўқув курслари ёки тўланадиган отгуллар учун менга ҳақ тўланадими?

Агар иш ҳафтасида ишлаган жами соатлариз миқдори 40 соатдан ортиқ бўлса, сизга йўл сафари вақти, ИҲСБ талаб қиладиган ўқув курслари учун ҳақ тўланади. Тўланадиган отгуллар ишланган соатлар деб ҳисобланмайди, шунинг учун улар қўшимча соатлар ҳисобига кирмайди.

### ДОИМИЙ 40 СОАТЛИ ИҲЧ ШАХСИЙ ҚАРОВЧИЛАР УЧУН МАЪЛУМОТЛАР

#### 10. Иш ҳафтада 40 соатдан ортиқ ишлашим мумкинми?

ИҲСБ сизга вақтинча 40 соатдан ортиқ ишлашга махсус рухсат бермагунча, иш ҳафтада 40 соатдан зиёд ишлашга ҳаққингиз йўқ.

#### 11. Бир неча мижоз учун ишласам доимий ИҲЧдан ортиқ ишлашга ҳаққим борми?

Мижозларингиз сонидан қатъий назар, жами иш соатларингизни доимий ИҲЧдан орттирмаслигингиз керак Бир неча мижоз учун ишлаётган бўлсангиз, уларга ажратаётган вақтингизни шундай ташкил қилишингиз керакки, жами иш соатларингиз доимий ИҲЧдан ошмаслиги даркор

#### 12. Агар мижоз ИҲЧемдаги соатлардан ортиқ ишлашимни режалаштиришни истаётган бўлса, нима қилишим лозим?

- Сизга ИҲЧенгизда белгиланганидан ортиқ ишлашга рухсат берилмаганини ва бундай ишлаш ортиқчани талаб қилиш деб ҳисобланишини тушунтиринг Ортиқчани талаб қилишга доир 19 га қаранг
- ИҲЧенгиздан ортиқ ишлашингизга олиб келадиган топшириқларни қабул қилманг
- Мижозни қўшимча қаровчидан фойдаланишга унданг
- Мижоз чекловингизни тушунишга ёки қўшимча қаровчини топишга қийналаётган бўлса, уни ўз иши бўйича бошқарувчи билан боғланишга унданг.
- Шошилиш ва зарурий эҳтиёжлар бўйича қўшимча маълумотлар учун 3-бетдаги 18га қаранг

## Шахсий Қаровчилар учун Ортиқча иш вақти тўғрисида маълумотлар варақаси

### 40,25 СОАТ ЁКИ УНДАН ЗИЁД ДОМИЙ ИҲЧЛИ ШҚЛАР УЧУН МАЪЛУМОТ

#### 13. Иш ҳафтада 40 соатдан ортиқ ишлашим мумкинми?

Сиз ИҲСБдан доимий ИҲЧенгиз 40 соатдан зиёд эканлиги тўғрисида билдирги олган ёки ИҲЧенгизни вақтинчалик ошириш ҳақида махсус рухсат олган бўлсангиз, билдиргида белгиланган соатлар ҳажмида ишлашингиз мумкин

#### 14. Биттадан ортиқ мижозга хизмат кўрсатаётган бўлсам нима қилишим лозим?

11 саволга жавобга қаранг

#### 15. Мен хизмат кўрсатаётган мижоз бир ҳафтада доимий ИҲЧемдагидан ортиқ ишлаш учун иш соатларимни ўзгартиришимни истаётган бўлсачи?

Қуйидагиларнинг ҳаммаси тўғри бўлса соатларингизни ўзгартиришингиз мумкин:

- Мижознинг эҳтиёжи бор; ва
- Қўшимча иш соатлари мижозга ажратилган (баҳоланган) ойлик соатларидан ошиб кетмайди; ва
- Бир ҳафтада ортиқча ишлаш мижозни ойнанинг бошқа ҳафталаарида асосий қаров хизматларидан маҳрум қилмайди; ва
- Бир ҳафтада қўшимча вақт ишлаш сизни ўша ойда ортиқча ишлашга олиб келмаслиги лозим, худди айни ойнанинг ҳар ҳафтасида ИҲЧга қадар ишлаганингиздек

ИҲЧенгиз 40 соатдан ортиқ бўлса, иш соатларингизни одатда бир ойда ишлайдиганидан ошмайдиган қилиб ўзгартиришингиз мумкин Ойлик қўшимча соатлар миқдори ИҲЧгиздан 40 соатни айириб, қолдиқни ўша ойдаги шанба кунлари сонига кўпайтириш орқали ҳисобланади

*Мисол:*

*Хосенинг ИҲЧси 46 соат Хосенинг бир ойда ишлаши мумкин қўшимча соатлари сони ўша ойдаги шанба кунлари сонига боғлиқ*

*5 шанба бўлганда ҳисоблаш:  $46 - 40 = 6 \times 5 = 30$*

*4 шанба бўлганда ҳисоблаш:  $46 - 40 = 6 \times 4 = 24$*

*Хосенинг мижози уни ой давомида мослашувчан жадвалда ишлашини истамоқда. Хосе 5 шанбадан иборат ойларида қўшимча 30, 4 шанбадан иборат ойларида қўшимча 24 соатдан оширмай ишлай олади.*

Сиз ИҲЧдагидан кўпроқ ишлаш учун ўз соатларингизни тегишли равишда тўғрилашингиз ҳам мумкин, агар сиз хизмат кўрсатаётган мижоз ўзининг New Freedom (Янги Озодлик) ёки Veteran Directed Homecare Services (Ветеранларга йўналтирилган Уй Қарови Хизматлари) бюджетлари ёрдамида қўшимча соатларини сотиб олсалар.

#### 16. Мен хизмат кўрсатаётган мижоз бир ойда менинг домий ИҲЧдаги мавжуд қўшимча соатлардан ортиқ ишлашимни истаётган бўлса нима қилишим лозим?

12 саволга берилган жавобга қаранг

### ВАҚТИНЧАЛИК МАХСУС МИЖОЗ ИҲЧ (ММИҲЧ)

#### 17. Вақтинчалик ММИҲЧ нима дегани?

Сизнинг қаровингиздаги мижоз ИҲСБдан сизнинг ИҲЧни вақтинчалик оширишни сўраши мумкин, агар бунда у ўз эҳтиёжларини қондириш учун қўшимча қаровчилар излаётган бўлса ИҲСБ сизга тасдиқ ёки инкор билан ўз жавобини ёзма ҳолда тақдим қилади Тасдиқланган тақдирда, билдиргида тасдиқланган муддатнинг бошланиши ва тугаши ва соатлар сони кўрсатилган бўлади Сизнинг қаровингиздаги мижозга ҳам тегишли билдирги жўнатилади Ушбу ариза/ёзма билдирги ММИҲЧ ариза деб ҳам аталади ИҲСБ мижозга ажратилган ойлик соатлар сонидан ошган вақтинчалик ИҲЧни тасдиқламайди

## Шахсий Қаровчилар учун Ортиқча иш вақти тўғрисида маълумотлар варақаси

### ФАВҚУЛОТДА ЭХТИЁЖЛАР

18. ИХЧдаги барча соатларни ишлаб бўлган бўлсаму, аммо мижознинг шошилинич ва зарурий эҳтиёжи сабабли унинг соғлиғи ва хавфсизлигини таъмишлаш учун ишлашда давом эттиришим керак бўлса нима қилишим лозим?

- Вазият хавфсиз ва барқарор бўлгунига қадар мижоз ёнида қолинг
- Тез тиббий ёрдам талаб қилинса, 9-1-1 га боғланинг
- Хавфсиз вазият вужудга келиши билан ишингизни тугатинг
- Кейинги иш кунига қадар мижоз иши бўйича бошқарувчи билан боғланинг ва вазиятни тушунтиринг

### ОРТИҚЧА ТАЛАБ ҚИЛИШ

19. Ортиқча талаб қилиш нима дегани?

Ортиқча талаб қилиш юз берадиган ҳолатлар:

- Ойида сизга рухсат этилганидан зиёд соатлар ишладингиз; ёки
- ИХЧгиздагидан ортиқ ИХСБ томонидан маъқулланмаган қўшимча соатлар ишлагансиз; ёки
- Иш ҳафтасида сизга белгиланидиган ортиқ йўл сафари вақтини тақдим қилгансиз

20. Contract Action (Битим тадбири) нима?

Битим тадбири ИХСБ сизга жўнатадиган огоҳ хабаридир. Билдиргида сизга рухсат этилганидан ортиқ ишлаганингиз ёки йўл сафари вақтини сарф қилганингиз тўғрисида хабар берилади.

21. ИХЧ ёки йўл сафари чекловимдан ортиқ ишласам нима бўлади?

- Сиз томонингиздан ортиқча талаб қилиш юз берган ҳар бир ҳолатда, ИХБС сизга ёзма битим тадбири билдиргисини жўнатиб рухсат берилмаган ортиқча соат ишламасликнинг муҳимлигини эслатади. Билдирги шунингдек сиз хизмат кўрсатаётган мижоз(лар) ёки уларнинг вакилларига юборилади.
- Учинчи маротаба ортиқча талаб қилиш ҳолатида, сизнинг битимингиз бекор қилиниши ва 90 кун давомида сизга иш ҳақи тўланмаслиги мумкин. Битимингиз бекор қилинса, янги битим тузилгунча 90 кун кутишингиз керак бўлади.
- Иш ҳафта ёки йўл сафари вақти чекловларини сезиларли ва бир неча марта ошириб юборсангиз ИХБС сизнинг битимингизни бутунлай бекор қилиб, янгидан битим тузишдан воз кечиши мумкин.

22. Битим тадбирлари менинг битим ҳужжатларимда қачонгача сақланади?

Битим тадбири тегишли тадбир билдиргиси берилган кундан 12 ой давомида очиқ қолади. 12 ой ўтгандан сўнг битим тадбири ёпилади.

23. Қандай қилиб битим тадбирларининг олдини олишим мумкин?

- Иш жадвалингизни доимо олдиндан режалаштиринг ва уни ёзиб боринг.
- Мижозингизнинг эҳтиёжлари ўзгариб сиз ИХЧни ўзгаришига олиб келадиган иш жадвали бўйича ишлашингизга тўғри келса, дарҳол мижознинг иши бўйича бошқарувчи билан боғланинг.
- Ҳар бир иш кунини ниҳоясида иш соатлари варақасида ишлаган вақтингизни ёзиб боринг, буни қоғоз тақвимда ёзиб бориш ҳам ёрдам бериши мумкин. ИХЧдан чиқиб кетмаслигингиз учун тез-тез текшириб туринг.
- ИХБС сиз ва иш берувчи/мижозингиз ИХЧгиз чегарасида қолишингизни бошқаришда ёрдам берадиган ресурсларга эга. Бу ресурслар [www.dshs.wa.gov/altsa/IPOT](http://www.dshs.wa.gov/altsa/IPOT) да мавжуд.